



## INSTITUTE OF EXPERTISE IN CRIMINAL PROCEDURAL LAW OF FOREIGN COUNTRIES

**Хасанов Зуфаржон Зафаржон ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни*

*муҳофаза қилиш академияси*

*магистратураси тингловчиси*

*Электрон почта: [zoffa577@icloud.com](mailto:zoffa577@icloud.com)*

*Тел: 90 159 0770*

**Abstract:** *This work examines unique procedural and criminological aspects of conducting expertise in criminal cases in developed countries. The authors explore the specifics and peculiarities of the evidential process and the use of expert knowledge in court cases. Particular attention is given to progressive methods, such as the use of artificial intelligence and other advanced technologies in criminology. Comparative analysis allows for the identification of distinctive features of the expertise process in different jurisdictions and emphasizes their effectiveness in combating crime. The research findings may be useful for the improvement of criminal procedural legislation and the practice of conducting expertise in other countries.*

**Key words:** criminal cases, expertise, developed countries, procedural aspects, criminological aspects, evidence process, expert knowledge, legal procedure, jurisdiction comparison, technology in criminology, artificial intelligence, crime combating effectiveness, criminal procedural, legislation comparative analysis, advanced methodologies, law enforcement, forensic science.

## ИНСТИТУТ ЭКСПЕРТИЗЫ УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНОГО ПРАВА ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН

**Аннотация:** *В данной работе рассматриваются уникальные процессуальные и криминалистические аспекты проведения экспертизы по уголовным делам в развитых странах. Авторы исследуют специфику и особенности доказательственного процесса и использования экспертных знаний в судебных делах. Отдельное внимание уделяется прогрессивным методам, таким как использование искусственного интеллекта и других передовых технологий в криминалистике. Сравнительный анализ позволяет выявить отличительные черты процесса экспертизы в различных юрисдикциях и подчеркнуть их эффективность в борьбе с преступностью. Результаты исследования могут быть полезны для усовершенствования уголовно-процессуального законодательства и практики проведения экспертиз в других странах.*



**Ключевые слова:** уголовные дела, экспертиза, развитые страны, процессуальные аспекты, криминалистические аспекты, процесс представления доказательств, экспертные знания, юридическая процедура, сравнение юрисдикций, технологии в криминалистике, искусственный интеллект, эффективность борьбы с преступностью, уголовно-процессуальное законодательство, сравнительный анализ, передовые методики, правоприменение, судебная наука.

## **РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ЭКПЕРТИЗА ЎТКАЗИШНИНГ УЗИГА ХОС ПРОЦЕССУАЛ ВА КРИМИНАЛИСТИК ЖИҲАТЛАРИ.**

**Аннотация:** Ушбу ишда ривожланган мамлакатларда жиноят ишларига оид экспертиза ўтказишнинг уникал процессуал ва криминалистик жиҳатларини кўриб чиқиш. Муаллифлар далиллар жараёнининг ва суд ишларида эксперт билимларидан фойдаланишнинг хусусиятларини ва алоҳида нуқта-аёрларини ўрганиш. Алоқадор эътибор, масалан, сунъи интеллект ва бошқа замонавий технологияларни криминалистикада қўллаш каби прогрессив усулларга қаратилган. Солиштирувчи таҳлил орқали турли юрисдикцияларда экспертиза жараёнининг ажралиб турувчи хусусиятларини аниқлаш ва уларнинг жиноятчилик билан курашишдаги самарадорлигини таъкидлаш мумкин. Тадқиқот натижалари бошқа мамлакатларда жиноят-процессуал қонун-ҳужжатларини ва экспертиза амалини такомиллаштириш учун фойдали бўлиши мумкин.

**Калит сўзлар:** жиноят ишлари, экспертиза, ривожланган мамлакатлар, процессуал аспектлар, криминалистик аспектлар, далиллар тақдим этиш жараёни, эксперт билимлар, ҳуқуқий процедура, юрисдикциялар солиштириши, криминалистикадаги технологиялар, сунъи интеллект, жиноятчиликка қарши кураш самарадорлиги, жиноят-процессуал қонун-ҳужжатлари, солиштирувчи таҳлил, замонавий методикалар, ҳуқуқни амалга ошириш, суд-ҳуқуқ фанлари.

Хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигини таҳлил этиш ва қиёслаш амалдаги қонунчилигимизни такомиллаштириш ва ушбу нормаларни амалда қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Хусусан, бу борадаги ҳаракатларни МДҲ давлатлари қонунчилигини таҳлил қилишдан бошлаш мақсадга мувофиқ.

Жумладан, Россия Федерацияси ЖПКда экспертизага бағишланган жами 17 та модда мавжуд бўлиб, улар ўзида мазкур институтнинг муҳим жиҳатларини мужассам этган. Эксперт ҳамда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир моддада (57-модда) мустақамланган. Ўзбекистон Республикаси эса, эксперт тушунчаси ва



унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида моддаларда (67-68-моддалар) баён қилинган.

РФ ЖПКда ЎЗР ЖПКдан фарқли равишда экспертни рад этишга бағишланган 70-моддада “материаллари ишнинг кўзғатилишига асос бўлган тафтиш ёки ўзга идоравий текширув ўтказган шахс ушбу ишда эксперт ёки мутахассис сифатида иштирок этишга ҳақли эмас” деган мазмундаги қоида ўз аксини топмаган. Шу ўринда амалдаги қонунчилигимизда 98-моддани янада такомиллаштириб, улар қаторига **экспертиза ўтказган** шахс ҳам ушбу ишда эксперт ёки мутахассис сифатида иштирок этишга ҳақли эмаслиги тўғрисидаги қоидани киритиш мақсадга мувофиқ, чунки нафақат материаллари ишнинг кўзғатилишига асос бўлган тафтиш ёки ўзга идоравий текширув, балки экспертиза ўтказган шахсни ҳам эксперт ёки мутахассис сифатида жалб қилиб бўлмайди.

Эксперт ва мутахассиснинг хулосаси ва кўрсатувларига оид алоҳида қоидаларнинг мустаҳкамланганлигини (80-модда) унинг ижобий жиҳати сифатида баҳолашимиз мумкин бўлиб, ушбу ижобий тажрибадан миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришда унумли фойдаланишимиз мумкин. Шу маънода, фикримизча, ЎЗР ЖПКнинг экспертиза хулосаси деб номланган 184-моддасига қўшимча равишда янги 184<sup>1</sup>-модда киритиб, унда эксперт кўрсатуви ҳақида маълумот бериш мақсадга мувофиқ. Зотан, қонунчилигимизда эксперт кўрсатуви билан боғлиқ қатор масалалар очиқ қолган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, 184<sup>1</sup>-моддани қуйидаги таҳрирда баён этиш зарур:

**“184<sup>1</sup>-модда. Эксперт кўрсатуви.** Эксперт кўрсатуви – эксперт хулосаси тақдим қилинганидан сўнг, ушбу хулосадаги ҳолатларни тушунтириш ва айрим жиҳатларни аниқлаш юзасидан берилган кўрсатув. Эксперт ёлғон кўрсатув берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилади”.

Бизнинг фикримизча, шу ҳолатдан келиб чиқиб эксперт кўрсатувини далил қаторига киритиш ҳамда бу ҳолатни ЖПК 81-моддасида “экспертнинг хулосаси” сўзларидан кейин “кўрсатуви” сўзини киритиш орқали мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ. Чунки гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари сингари экспертнинг кўрсатуви ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Амалдаги ЖПКда экспертнинг ёлғон хулосаси жиноий жавобгарликка сабаб бўлса, кўрсатуви ҳақида изоҳ берилмаган бўлиб, мазкур таклиф қилинадиган норманинг киритилиши ушбу камчиликни бартараф қилишга хизмат қилган бўларди. Бинобарин, эксперт жиноят иши юзасидан тўғри ва хулоса бериш баробарида унинг мазмунини нотўғри тушунтириш орқали ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини чалғитиши мумкин.

РФ ЖПКнинг 27-боби бевосита суд экспертизасини ўтказишга бағишланган бўлиб, мазмунан ЎЗР ЖПКдаги “экспертиза” деб номланувчи 22-бобдан фарқ



қилади. Хусусан, унинг 196-моддаси экспертиза тайинланиши шарт бўлган ҳолатлар деб номланиб, унда тўртта асос кўзда тутилган. Гарчанд, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт бўлган ҳолатларга бағишланган ЎЗР ЖПК 173-моддаси мазмун ва шакл жиҳатдан РФ ЖПК 196-моддасидан кенгроқ ва мукамалроқ (ЎЗР ЖПКда тўққизта асос) бўлсада, ҳатто улар ҳам ҳозирги замонавий фан-техника ютуқлари ривожланиши тенденцияси талабларига жавоб берадими. Шу сабабли, юқоридаги ушбу ҳолатлар рўйхатини кенгайтириш зарар бўлиб, бу ҳақдаги таклифларимизни кези келганда кейинги бобларимизда қайд этиб ўтаемиз.

РФ ЖПК 197-моддасида кўзда тутилган терговчининг суд экспертизасида иштирок этиши билан боғлиқ қоидалар ЎЗР ЖПКда алоҳида моддада ўз аксини топмаган. Мазкур нормага мувофиқ, терговчи ҳам экспертиза жараёнида иштирок этиб эксперт томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларни, уларни изоҳини ва ўзини қизиқтирган бошқа ҳолатларни сўраши мумкин ҳисобланади. Бу ҳолат ўз навбатида экспертиза хулосасида ўз ифодасини топиши талаб қилинади.

Ўзбекистон ЖПКда эса, терговчининг экспертиза ўтказиш жараёнида қандай ваколатларга эга бўлиши масаласи очиқ қолган бўлиб, бу суд-тергов амалиётида қатор чалкашликларни келтириб чиқармоқда. Шу сабабли миллий жиноят-процессуал қонунчилигимизга терговчи ёки судья экспертиза жараёнида иштирок этиб эксперт томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларни, уларни изоҳини ва ўзини қизиқтирган бошқа ҳолатларнинг баёнини сўраши мумкин деган мазмундаги қўшимча киритиш лозим.

РФ ЖПК 198-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳнинг экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Таассуфки, бизнинг қонунчилигимизда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқлари кўзда тутилган ҳолда, жабрланувчи ва гувоҳ ҳуқуқлари қамраб олинмаган. Фикримизча, бу жабрланувчи ва гувоҳнинг мазкур ҳуқуқдан фойдаланиш бўйича имкониятларини чеклайди. Бизнингча, мазкур нормага гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг ҳам экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқларини киритиш мақсадга мувофиқ. Зотан, жиноят процесси иштирокчилари учун тенг имкониятлар яратиш берилиши зарур.

РФ ЖПК 199-моддаси экспертизага жиноят материалларини юборишга бағишланган бўлиб, унда экспертга берилган маълумотлар тўлиқ бўлмаганда, муассаса раҳбарининг ишни қайтариши мумкинлиги ва умуман терговчи, суд томонидан тадқиқот учун юборилган объектларни қайтариш ва унинг асослари баён этилган. Таъкидлаш ўринлики, мазкур нормадаги қоидалар ЎЗР ЖПКда турли моддаларда тарқоқ ҳолатда берилиши билан тавсифланади. РФ ЖПК 200-моддасида комиссиявий экспертиза, 201-моддасида эса, комплекс экспертиза



билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинган. РФ ЖПКда нормалар жойлашуви мантиқан тўғри берилган бўлиб, унда экспертиза текшируви учун намуналар олиш психиатрик экспертизасига бағишланган нормалар бир бобдан ўрин олган, бу эса, ўз навбатида мазкур институтга оид нормаларни қўллашни қулай қилади ҳамда пировардида унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Сарычева Н. В. Некоторые процессуальные проблемы назначения судебной экспертизы. — Новосибирск., 2018.
2. Сахнова Т.В. Судебная экспертиза. – М.: Городец, 2000.
3. Кудрицкая С. В. Экспертные ошибки процессуального характера и пути их предупреждения. — 2017
4. Белкин Р. С. Криминалистическая энциклопедия.- М., 1997.
5. Зинин А. М. Судебная экспертиза. М.: Право и закон, 2002. С. 243.